



ОЛИИ БАҲИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 28 май, чоршанба № 83 (1508)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Иктисодиёт барқарор бўлишини таъминлашда молия, банк, сугурта, консалтинг ва лизинг компаниялари фаолиятини ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади.
Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, корхоналар иктисодий эркинлигини кенгайтириш соҳасида тўб ўзгаришлар амалга ошириладиганлиги тўғрисида Кашқадарь вилоятида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ортиб бормоқда.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

Бугунги кунда вилоятда 23 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектлари ишлаб турибди. Президентимизнинг «Ўзбекистон иктисодиётида хусусий сектор улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан сўнг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Вилоят агросаноати ривожланаётган, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳамма турларини етиштириш учун қулай иқлим шароитига эга бўлган минтақа. Эндиликда қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этиб, кичик ва ўрта бизнесни янада тараққий эттириш ва шу асосда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга жиддий эътибор берилаяпти.

Айни пайтда хорижий банклар ва халқаро молия ташкилотлари ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар ажратиш йўлга қўйилган. Бир йил давомида Осие тараққий ва Европа тикланиш ва тараққий банкларининг кредит қўйилмалари ҳисобидан Миллий банк орқали 2491,4 минг АҚШ доллари миқдоридagi лойиҳалар молиялаштири-

либ, амалга оширишга киришди.

Қарши туманидаги «Олтин мева» шўба корхонаси томонидан мева-сабзавотни қайта ишлайдиган, Шаҳрисабз туманидаги «Агророс АБ» қўшма корхонаси томонидан эса анор шарбатини қадоқлаш корхоналари барпо этилди.

Вилоятдаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД», «Зиёнур» хусусий корхоналари, «Жейнов», «Алсаид» фирмалари, «Қаршиермопласт» ҳиссасдорлик жамияти ажратилган кредит маблағларидан унулли фойдаланиб, экспорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди. Шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектларга хомашё топиш, тайёр маҳсулотни сотиш, малакали бошқарувни амалга ошириш ишлари ҳам ижобий ҳал этилган.

Асакабанк вилоят бўлими томонидан «Кашфармтекс» қўшма корхонасининг тиббиёт доқаси ва бинт ишлаб чиқариш, «Яккабоғтекс» қўшма корхонасининг ип-калава тайёрлаш, Муборақдаги «Анко» масъулияти чекланган жамиятининг олтингувуртни қайта ишлашга қаратилган лойиҳалари кўриб чиқилаяпти. Агар бундай қўшимча тизимлар фойдаланишга топширилса, 500

Бир Фармон шарофати

нафарга яқин киши иш билан таъминланади.

Вилоятда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида 8.915 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Аниқ тадбирлар ўз сармрасини бермоқда. Кейинги йилларда фермер хўжаликлар сони 4,7, уларга қарашли ер майдони 5,7 бараварга ошди. Бундан тўрт йил муқаддам қашқадарёлик фермерлар томонидан 20,9 минг тонна пахта, 22,9 минг тонна галла тайёрланган бўлса, эндиликда вилоят бўйича ишлаб чиқарилган ялпи пахта ҳосилининг 25,3, галланин 28,8 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Вилоят газетасида «Қашқадарь тадбиркорлари» махсус саҳифаси ташкил этилган бўлиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, кредитлар олиш, лизинг шартномаларини расмийлаштириш, инвестиция лойиҳаларини тузиш бўйича ахборотлар бериб борилаяпти. Тадбиркорлар билан давра суҳбатлари, брифинглар, бевосита мулоқотлар ишга ўтказилаяпти. «Қашқадарь» ва «Кашқадарья» газеталари таҳририяти ҳузурида «Евразия» жамғармасы кўмағида бепул ҳуқуқий маслаҳатхонанинг ташкил этилиши тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари учун аниқ муқаддам бўлди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ўзгаришлар

рўй берди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари ҳисобидан 9226 миллион, бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ҳам катта миқдорда кредитлар ажратилди. Ишбилармонларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 35,3 фоизга тўғри келди.

Бирок вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги асосий муаммолар бартараф этилмапти. Ўтган йили тадбиркорлик тузилмалари томонидан сотилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми камайди.

Микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар самарадорлигини ошириб, рақобатбардosh истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сонини кўпайтириш пайти келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони қашқадарёлик деҳқонлар томонидан зўр миннатдорчилик ила қутиб олинди. Эндиликда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, бошқарушнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини ҳаётга тўла-роқ татбиқ этиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга кенг йўл очилди.

Изаат ХИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

Абдулла Холбўтаев умрининг салкам 40 йилини Ангор тумани иктисодиётини ривожлантиришга бағишлади. У сўнгги 16 йил мобайнида Агросаноат мажмуи ходимлари туман касабаси уюшма кўмитасининг раиси сифатида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилди, уларнинг оиласи, фарзандлари ҳақида гамхўрлик кўрсатди.


Ўз ишининг фойдоси ва ташаббускорлиги билан бекор кўрмайсиз. Уни гоҳ ширкат хўжаликларида, гоҳ тизимдаги корхона ё муассасада учратасиз. Ишчи нисбатан қаердаки ноҳақлик, эътиборсизлик содир бўлса, Абдулла ака уни ҳимоя қилишга сиқидилдан киришади.

Одамлар манфаатини ўз ишининг мезони, деб билган А.Холбўтаев амалга оширган ишлар кўп. У раислик қилаётган тarmoқ касабаси уюшма кўмитаси таркибига айна кунда 29 та хўжалик ва корхона бошланғич ташкилоти билан ташкил этилди. Яқинда унинг номига 7 нафар фуқародан ариза тушди. Шикоят жойида ижобий ҳал этилиб, ишчиларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Корусув ширкат хўжалиги биологаториясида узоқ йиллардан буён ишлаб келаятган ишчи Барно Алиқулловани хўжалик раиси ноҳақ ишдан бушатган. М.Азизов номли ширкат хўжалиги хайдовчиси Абдумурод Шобердиевни ҳам хўжалик раҳбари ноқонуний ишдан озод этган. Касабақўм раиси хар иккала хўжалик раҳбарига чиқарган буйруқлари меҳнат қонунчилигига зид

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ



Абдулла аканинг бевосита саъй-ҳаракати билан тизимда фаолият кўрсатаётган 59 нафар ишчи-хизматчи санаторий ва курортларда дам олдирилиб, соғломлаштирилди. «Мустақиллик» ширкат хўжалигидан Хуррам Исқандаров, «Таллимаржон» ширкат хўжалигидан Поён Холиқовлар «Чинобод» санаторийида ҳордиқ чиқаришди. Тура Массиев, Хуррам Нурматов, Биноқул Йўлчиев, Исохон Бахромов, Шоди Мустанов каби фахрийлар «Бо-танника», «Турон», «Зангиот» сикхатхоналарида дам олдирилди.

Айни кунларда касабаси раиси болаконларимизнинг ёзи таттиллари кўнгилли ўтказиб, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликларга эга бўлган Хўжақо тоғ ёнбағрида жойлашган оромгоҳни мавсумга тайёрлашга бош-қош бўлмоқда. Бу сўлим масканда соҳа ходимларининг 700 нафар фарзанди мириқиб дам олиши, саломатлигини тиклашлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма кўмитаси туманда яшаб келаятган 14 нафар ноғирон фуқаронини ҳам ўз ҳимоясига олган.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» муҳбири
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб бериладигани билан Зангиота туманида ҳам янги-янги қўшма корхоналар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

ТАДБИРКОРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ

Шундай қўшма корхоналардан бири туманининг Назарбек кишлоқ фуқаролар йиғини худудида иш бошлади. Ўзбекистон ва россиялик тадбиркорлар ҳамкорлигида ўн ойда куриб битказилди. Замон талабларига мос келадиган барча жиҳозлар Хитойдан келтириб ўрнатилди. Энг асосийси, қандолатчиликка ихтисослашган ушбу корхона 100 дан ортиқ кишини иш билан таъминлади. Айни пайтда бу ерда 10 турдаги печенё маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

Айни пайтда бир кеча-кундузда 10 турда 3-4 тонна печенё ишлаб чиқарилмоқда, дейди қўшма корхона раҳбари И.Пўлатов. Мақсадимиз - аввало ички бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлашга ҳисса қўиши, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, маҳсулотларимиз турини кўпайтириб, келажақда четга ҳам чиқариш.



Касби тумани галларкорлари бу йилги ўрнимийим мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдилар. Мавжуд ўрним техникалари барвақт тайёрланди. Туман машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти раисининг таъкидлашича, «Кейс» комбайнлари билан 12 минг гектар майдоннинг ҳосили саранжомланади.

Суратларда: тайёр техникалар; комбайнчи Х.Худойбердиев

Ш.СУЛТОН олган суратлар



Шарҳловчи минбари

пайтда қилиниши лозим бўлган ишларнинг энг муҳими - мамлакатда тинчлик ўрнатиш.

Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, Ироқнинг ташқи қарзи 400 миллиард АҚШ долларида бўлган ишларнинг энг муҳими - мамлакатда тинчлик ўрнатиш.

қамларга мурожаат қилинса, Ироқда рўй бераятган ижобий ўзгаришлар, ҳақиқатан ҳам, сезиларли даражада эканига амин бўлиш мумкин. Бу ўзгаришлар айниқса Ироқнинг нефть казиб чиқариш соҳасида яққол намоён бўлади. Айни пайтда Ироқда кунига 800 минг баррел нефть казиб чиқарилмоқда (кичи ҳафта аввал - 600 минг баррел эди). Ироқ муваққат маъмурияти нефть вазирлиги раҳбари Самир ал-Ғадбанининг айтишича, жорий йилнинг охирига қадар бу кўрсаткич 3 миллион баррелга етиши мумкин. Бу эса мижорадан аввалги миқдорга тенгдир.

Бобур СОБИРОВ,
Ўза шарҳловчиси

«Ишонч» ҳуқуқларини ҳимоя қилиш - Ўзбекистондаги ижтимоий жараянларни демократлаштириш ва эркинлаштириш мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Семинар Конрад Аденауэр фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли тадбирлар, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тузилган халқаро шартномалар ижроси борасида фикр алмашилди. Шу нарса таъкидландики, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари кўпроқ туман ва кишлоқ жойларида учрамоқда.

Бу ҳолатнинг асл сабаби шундаки, кишлоқда яшовчи аксарият кишилар ўз ҳуқуқларини яхши билмайдилар, дейди Конрад Аденауэр фондининг махсус вакили Хайнц Бюлер. Аслини олганда, бундай ҳолат жаҳондаги қўллаб-қувватлашда ҳам кўзга ташланадиган.

Нотиклар бу борада мамлакатимизда маълум тажриба мавжуд эканини таъкидладилар. Мамлакат Бош Қонунини маҳалалар, ташкилотлар, мактаблар ва олий ўқув юртиларида ўрганиш борасида ўтказилган тадбирлар, турли танловлар, очик мулоқотлар, маърифий-ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантириш яқин келажақда ўз сармрасини бериши, шубҳасиз.

(ЎЗА)

«Ишонч»га жавоб берадилар

ДЕБИТОР ҚАРЗ УНДИРИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 26 март сонидида эълон қилинган «Шартнома шартлари нега бажарилмади?» сарлавҳали мақолада Самарқанд туманидаги «Мароканд» ширкат хўжалигига қайта ишлаш корхоналари томонидан маҳсулот ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги боис олийлик маоридан қарздорлик ортиб бораётганлиги, ижтимоий ҳимоя масалаларига маблағ ажратилмаётганлиги хусусида фикр билдирилган.

Таҳририят ушбу матбуот чиқиши юзасидан қуйидаги жавобни олди:

Мақола вилоят ва Самарқанд туман ҳокимликлари, «Мевасабзавот» бирлашмаси мутасаддилари ҳамкорлигида атрафлича ўрганиб чиқилди. Камчилик-

ларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Натижанда «Орифен» ширкат хўжалигининг «Орифен» қўшма корхонаси, «Кишмиш» ҳиссасдорлик жамиятидан дебиторлик қарзлари ундирилиб, хўжалик меҳнаткашларининг 2002 йил учун иш ҳақлари тўлаб берилди. Қолган дебиторлик қарзлар бўйича ҳужжатлар тайёрланиб, хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Шунингдек, хўжалик омбуридаги тайёр маҳсулотларни сотиш ҳисобидан меҳнат ҳақининг қолган қисминини тўлаб бериш учун чоралар қўрилмоқда.

П.ЎСАРОВ,
Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

Ироқ аҳолиси орасида урушдан кейин биринчи марта маош тарқатилади. Электр энергияси билан таъминлаш соҳасида банд бўлган олти мингдан ортиқ давлат хизматчисига лавозим ва қилган меҳнатига қараб, 80 дан 400 долларгача берилди. Маълумотларга қараганда, 3 июнга қадар давлат хизматчиларининг барчасига маош тўлиқ тарқатилади. Ҳукуматчи ва шифокорларнинг маоши мижорадан аввалги кўрсаткичга қараганда бир неча бор ортади.

АҚШнинг Ироқдаги маъмурияти раҳбари Пол Бремер журналистлар билан учрашиб, талай диққатга сазовор маълумотларни ҳавола этди. Унинг маълум қилишича, айни пайтда иттифоқчилар Ироқдаги вазиятнинг тўлиқ назорат қилмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида издан чиққан электр ва сув таъминоти тармоқлари тикланган. Бошқа муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ишлар ҳам авжида. Бундан ташқари, Ироққа хорижий маҳсулотларни олиб келиши

ган тизимлар, корхона ва муассасалар, иқтисодиётнинг оёққа тургази билан боғлиқ ишлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Лекин журналистлар билан ўтган учрашув якунида Пол Бремернинг «Ироқ замини бизнес учун қай-

рига қаратилган ўзига хос даъват бўлиб янгради.

АҚШ дунё ишбилармонларини Ироққа келишга даъват этаётган бир пайтда катта бизнес вакилларининг бу қақирларга қулоқ тутиши, амалий ҳаракатлар бош-

пайтда қилиниши лозим бўлган ишларнинг энг муҳими - мамлакатда тинчлик ўрнатиш.

миллиард АҚШ долларида бўлган ишларнинг энг муҳими - мамлакатда тинчлик ўрнатиш.

ти мазкур масалани сикхатчи қабоб ҳам қуймайдиган тарзда ҳал қила олмаса, жўнроқ айтганда, йўқотилаётган ишонч тикламаса, катта сармоя Жалб этиш қийинлашиши турган гап.

ИРОҚ БИЗНЕС УЧУН ОЧИҚ

Ижтимоий ҳимоя

ИШ КУНИ

Йўқотилишига чек қўйилди

«Самарқандавтоўл» бирлашмаси таркибига кирадиган йўл-кўприклардан фойдаланиш бошқармаси жамоасининг бугунги кундаги фаолияти ибратлидир. Зеро, кўприклар қуриш, уларнинг кўп йиллар хизмат қилишини таъминлаш жуда сермашаққат жараёндир. Бошқарма ходимлари бу вазифани талаб даражасида уйдлашмоқда.

Жамоа аъзолари масъулиятни ҳис қилганликлари туфайли ўтган йили 890 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Тўртта кўприк фойдаланишга топширилди. Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги бир неча кўприклар тубдан таъмирланди, - дейди корхона раҳбари Ф.Темирбоев. - Ҳар бир ишловчининг иш унумдорлиги 498 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик 9,6 фоиз бўлди. Натижада ходимларнинг манфаатдорлиги ошди. Ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 80 минг сўм булганлиги ҳам буни исботлаб турибди.

Иш ҳажмининг доимий мавжудлиги ва маашлар ўз вақтида тўлиқлиги ишчиларни унумли меҳнат қилишга ундамоқда. Бундан ташқари бир қанча тадбирлар амал-

га оширилмоқдаки, булар ҳам ходимларни қўшимча ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини кенгайтираётти.

Корхонамиз ходимлари асосан дала шароитида ишлашади. Шу боис улар вагон-уйлар билан етарли таъминланган. Яшаш шароити кўнглидагидек, - дея суҳбатга қўшилади касабакўм раиси Г.Фазлиддинова. - Ишчиларга овқатланиш пули берилди. Бундан ташқари дала шароитида ишлаганлик ва иш стажига учун қўшимча ҳақ тўланади. Жамоа шартномасида иш унумдорлиги ошган сари ходимларга кўпроқ гамжурлик кўрсатиш белгилаб қўйилган. Бунга эришяёмиз ҳам. Шунга кўра ўтган йили корхона фойдаси ҳисобидан ходимларга моддий ёрдам тариқасида 2,4 миллион сўм,

даволаниш учун 532 минг сўм, сиртдан ўқитганлар учун 2 миллион сўм ва бошқалар учун жами 42,8 миллион сўм маблағ ажратилди. Уй-жой қураётганларга қурилиш ашёларининг 50 фоизгача корхона ҳисобидан тўлаб берилмоқда.

Сабабсиз ёки касалланиш туфайли иш кунлари йўқотилишига деярли чек қўйилган. Ҳар бир ишчи умумий натижа учун ўзини масъул, деб ҳисоблайди. Корхонада иш шароитини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилишга биринчи навбатдаги эътибор берилмоқда. Бу мақсадлар учун 7,5 миллион сўм сарфланди. Ишчиларнинг махсус иш кийими ва ҳимоя воситалари мавжуд бўлсагина, ишга чиқишига руҳсат берилди.

Корхона касабакўмтасининг ташаббуси билан ўтган йили маънавият-маърифат хонаси қайта жиҳозланди. Спорт-соғломлаштириш мажмуи янги жиҳозларга эга бўлди. Дала шароитида ишлайдиганларнинг мазмуни дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

С.РУСТАМОВ



Тажрибали тадбиркор Раҳмат Исаев Шофиркон туманида қурилиш тугалланмаган бинони 12,5 миллион сўмга сотиб олиб, уни капитал таъмирдан чиқаргач, бу ерда терини қайта ишлашга ихтисослашган цех ташкил қилди.

Айни кунларда цехда қорамол териси қайта ишланиб бири-биридан бежирим маҳсулотлар — керзи этик, болалар, эркаклар ва аёллар пойфазали, куртқалар ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: илғор ишчи Қ.Камолов.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

«ҚАЛДИРҒОЧ» БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР

Андижон тумани «Заврак қишлоғидаги «Қалди-рғоч» болалар ёғи дам олиш маскани мавсумга тахт қилиб қўйилди. Унга Бобур номидаги газламалар ишлаб чиқарувчи корхона ҳомийлик ёрдами кўрсатиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 2 миллион сўм ажратди.

Болалар дам олиш маскани раҳбари Тўйчибой Ҳолматовнинг айтишича, янги мавсумга тайёргарлик жараёнида маскан ҳудудига 120 туп мевали ва 250 туп манзарали кўчатлар ўтказилди. Бир неча минг дона гул кўчатлари экилди. Мазкур масканда уч бошиқанди андижонлик тўқимачиларнинг қарийб мингга яқин фарзандлари мароқли дам олишади.

Энг катта савоб

Маъруфобод маҳалласи - Бўз туманининг энг чекка ҳудудларидан бири. Маҳалла ахли меҳр-оқибат ва меҳнатсеварликда ҳеч қимдан қолишмайди. Тўй-маъракатлар бир-бирларисиз ўтмайди. 13-мактаб директори Абдулфатто Ҳожима-тов касабакўм фаолларидан саналади.

Маҳалладошларнинг маиший шароити, турмуш тарзи, ободончилик, ёшлар тарбияси, камхарж хо-надонларнинг ижтимоий муаммо ечими топилди. Хотин-қизлар иши бўйича ҳоким ўринбосари Матлуба-хон Тўйчиева бу орада ви-надонларнинг ижтимоий

ким деб, саратон оташла-рида елкасини, тупроқлар-да товонини куйдириб иш-лаган пудратчиларнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой бўлди. Масалан, Фай-зулла Ҳайдаров, Даврон-жон Эрқуловлар оиласи пахтадан 30-35 центнерлик маррани эгаллади. Йигим-терим палласида ҳар бир хонадон кунига 20-30 минг

ШИРИН СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

ҳимоясига доим ўзини дахлдор сезади. Тўғри-роғи, одамлар учун қулоб-пиноҳи юради. Шодмонов номли ширкат ҳўжалиги собик аъзоси Зокиржон ака Мамажоновнинг соғли-ги ноҷорлашиб қолганли-гини эшитди-ю тинчи йўқолди.

Кечагина ҳўжалигдаги машина-трактор паркда ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрарди. Эски юк машина-си билан қишин-ёзин гоҳ шаҳарга, гоҳ далага қат-нарди. Бирор марта маҳал-ла ахли Зокиржон аканинг йўл устида моторни «ка-лаб», мойга беланиб ўти-рганини кўрган эмас.

Абдулфатто, ота-она-лар вакиллари билан беъм-ордан кўнгли сўраган бўлди. Эртасига ширкат ҳўжалиги касабакўмга ҳўжалиги раиси Гулмира Мансуровани кидириб топ-ди. Зокиржон аканинг соғ-лигидан гап очилиши бил-ан Гулмирахон ҳудди шу аснода бош қотириб ўти-рганини, ногиронларни иж-тимоий ҳимоялаш бўйича вилоят тармоқ кўмитаси-га хат тайёрлаётганлигини айтиди.

топедия-протез, аравача, эшитиш ускуналари ва бо-шқа жиҳозлар етказиб бе-рувчи мутасадди ташкилот-лар билан шартномалар туз-ди. Дунёда ногиронга дард-каш бўлишдан кўра савобли юмуш йўқ. Туман ҳокими-гидан М.Тўйчиева, ширкат раиси Р.Бобоҳўжаев, касаб-кўм раиси Г.Мансуровалар Зокиржон ака хонадонига кириб келдилар. Қўллари-да совға - ногиронлар арава-часи турарди. Дийдорлашув-дан отахоннинг боши осмон-да. Зокиржон ака мустақил-ликка, меҳмонларга омонлик тилаб дуо қилар, дардлари-ни, захматларини унутиб, қувонч ёшларини тия олмас-ди.

Меҳнатқашларни ижтимо-ий-иқтисодий, ҳуқуқий ман-фаатларини ҳимоялашда иш берувчи билан касабакўм доим яқдил. Чунки, жамоа шартномасида томонларнинг бурч ва масъулиятлари мус-таҳкамлаб қўйилган. Жорий йилнинг бошида шартнома талабларининг ижросига ба-ғишланган ширкат ҳўжали-гининг умумий ҳисобот йиғи-лишида айнан ижтимоий ҳи-моя тизимига амал қили-ниши атрофлича таҳлил қилин-ди. Ширкат 2002 йил-ни фойда билан якунлади. Пахтачиликдан 30 центнер-дан, галлациликдан 64 цент-нердан хирмон кўтарилди. Бу борада тадбиркорлик кўл келди. Айни кунларда ҳўжа-ликда 130 та оилавий пуд-ратчи фаолият кўрсатади. Улар 1182 гектар ерда деҳ-қончилик қилмоқдалар. Ҳудуднинг қилмоқдалар. Утган йили ерим деб, мул-

сўм ишлаган пайтлари ҳам бўлди. Мўл-ҳосил эвазига қўлга пахта мойи, кунжара теги. Мулкдорлар шарофати билан ширкат ҳўжалиги 2501 тонна пахта, 3840 тонна буғдой тайёрлаб, шартнома мажбуриятини ортиги билан уйдладди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Пахтачиликдан қўзланганидан 69 милли-он сўмга яқин, галлацилик-дан 120 миллион 688 минг сўм кўп даромад қилинди. Рентабеллик 4,1 фоизни ташкил қилиб, ишчилар-нинг ўртача йиллик даро-мади 500 минг сўмгача бор-ди.

Ҳўжаликда Обод маҳал-ла йили муносабати билан саховат, ободончилик, спорт соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқ-да. Деҳқонобод, Заврак маҳаллаларидаги амбулато-рия бинолари таъмирла-ниб, қишлоқ врачлик пунктига айлантилди. Соёбўй маҳалласида фут-бол ўйингоҳи учун бир гек-тар ер ажратилиб, стадион қурилиши бошланди. Газ, сув, электр ҳақи тўловла-ри юзасидан фуқароларга катта енгилликлар берил-ган. Харажатлар ширкат ҳисобидан қопланаётти. Шодмоновчиларнинг жорий йилдаги ниятлари улкан. Улар пахта ҳосил-дорлигини бултурғига нисба-тан қўшимча 3-4 цент-нерга, буғдойни 5-6 цент-нерга ошириш иштиёқида меҳнат қилишаётти.

Собижон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

МУАЛЛИМ СОВҒАСИ

Нақибжон Ёқубжоновни Янгиқўрғон туманида таъмирланган одам кам топи-лади. Элик йилга яқин умрини халқ маорифига бағишлаган бу табарруқ инсон қўлида таълим-тарбия олиб чиққанларни бугунги кунда мамлакат, ту-ман ва вилоят миқёсида-да, масъулиятли лавози-ларда ишлаётганларни кўриш мумкин. Домла фақат зиё тарқатиш билангина қифояланиб қол-масдан инсонийлик, Ва-танга ва халқга муҳаббат, ўтмиш маданий мероси-мизга садоқат руҳи синг-дирилган суҳбатлари билан ҳам обрў-эътибор қозонган. Бинобарин бу борадаги фидокорона меҳнатлари эвазига Узбе-кистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Узбеки-стон халқ маорифи аъло-чиси ва бошқа қатор му-қофотлар билан тақдир-ланган, Н. Ёқубжонов яқинда яна бир бор ҳим-мат кўрсатди. Узининг ҳаёти давомида тўплаган мингга яқин китобни За-рқент қишлоғидаги ўзи узок йиллар меҳнат қил-ган 30-мактаб ва шу ер-даги тиллар лицейи ўқув-чиларига совға қилди. Еш-лар оқоқол муаллимнинг олтинга тенг бу сов-ғасидан гоят миннатдор бўлишди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

ЯНГИ ЦЕХ

«Наманганэкстракт-6» очик турдаги акциядорлик жамияти корхонаси 2001 йилда Франциянинг «СТЕКА» фирмасидан кел-тирилган замонавий уску-налардан иборат қадок-лаш цехини илға тушир-ган эди. Яқинда бу ерда Россиянинг «Арма» фир-масидан келтирилган янги ускуналар билан жиҳоз-ланган доғлаш ва хидси-лантириш цехи иш бош-лади.

Эндиликда доғланган ёғ қадоклашиб истеъмол-чиларга етказиб берил-моқда. Янги цех ишга ту-шиши муносабати билан 17 та қўшимча иш ўрни яратилди. Бир кеча-кун-дузда 20-25 тонна доғ-ланган ёғ ишлаб чиқара-диган ушбу цех корхона-га 71 миллион 404 минг сўмга тушди.

Бу йил истеъмолчи-ларга икки минг икки юз тўқсон тонна сифатли истеъмол ёғи етказиб бе-ра-миз, - деди корхона бош мудири Муродилла Ра-ҳимов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Кейинги йил-ларда корхонамиз ишла-ниш йўлига ўтди. Эски ус-куналар уринга ҳориждан замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Ички имкониятлардан маблағ тўплаб, бу икки цехни ишга туширдик. Доғлаш ва хидсилантириш цехи ишга тушиши муносабати билан экстракция усулида ишлаб чиқарилаётган ёғни маълум қисминини қайта ишлаш имконияти яратил-ди. Шу йили ўзида истеъмолчиларга 500 тонна доғланган ёғ етказиб бе-ра-миз.

«Туркистон-пресс»

ЧОРВА ҚИШЛОҒИДА ЎЗГАРИШ

Кўнғирот туманидаги «Устюрт» қорақўлчилик-ка ихтисослашган ширкат ҳўжалигида теридан кийим тикши цехи ишлаб турибди. Иш жойимизга янги ускуналар сотиб олишга ширкат ҳўжалиги раҳбарлари яқиндан ёрдам берди, - деди цех бошлиғи Жангабой Аймаган-бетов. - Ҳозир шогирдларим Қожимухан Ойт-жонов, Бозорбой Қўрбонбоевлар билан бирга-ликда аҳолининг буюртмалари бўйича иш олиб бораёмиз.

Тармоқ касабакўшма қўмиталарида

21 ТАШКИЛОТДА

МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ МУҲАНДИСЛАРИ ШТАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Тошкент вилояти автомобил ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабакўшма қўмитаси тармоқ та-сарруфига бирлашган 71 та ташкилотлардаги меҳнатқашларнинг соғлиқларини тиклаш ва улар-га иш шароитини яратиб бериш бўйича бирмунча ишларни амалга оширди.

Меҳнатқашларга аъло кайфият бағишлан-шнинг асосий омиллари-дан бири, яхши иш ша-роитлари яратиб бериш, дам олишларини тўғри ташкил этишдан иборат, - дейди қўмита раиси Баҳодир Жўрабоев. Бун-дан ташқари, тармоқда иш ҳақидан қарздорлик жиҳидий масала сифати-да кўрилади. Чунки, асо-сан галлакор ва пахтакор ҳўжалиқлар мавсумда ав-токорхоналардан катта маблағ қарздор бўлиб қоладилар. 2002 йил мав-сумидаги қарзларни ун-диришда ёрдам сўраб тармоқ касабакўшмалари Марказий қўмитаси-га ҳам мурожаат этдик. Сабаби автокорхоналар-

даги иш ҳақидан қарздор-лик агросаноат тармоғи ҳисобига бўлган.

Жойларда ўтказилган текширишлардан шу на-рсалар маълум бўлаётти, тадбиркор раҳбарлар ав-токорхоналарнинг, авто-жамланмаларнинг ишчи янада жонлантириш ҳисо-би иш ҳақидан қарздор-ликни камайтирмоқдалар. Баъзилари эса галлакор ва пахтакорларнинг тўлай ол-маётган қарзларини рўқча қилишмоқда.

Ҳозирда йўловчи ташиш тизимида меҳнат муҳофа-заси, техника ҳафсизлиги масалалари муҳим ўринда туради. «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси, «Тош-кентавтоўл» мувофиқлаш-тирувчи кенгашлари билан

бу борада қўшма қарор-лар қабул қилинди. Нати-жада «Тошкентавтоўл» таркибига кирувчи 21 та ташкилотда меҳнат муҳо-фазаси муҳандислари ла-возимни киритилди.

Утган йил мобайнида меҳнатқашларга давола-нишлари учун 260 дона йўлланма тарқатилди. Ушбу мақсадга 23 мил-лион 730 минг сўм сарф-ланди. Дам олиш уйлари ҳам 50 дона йўллан-ма ажратилди. Меҳнат-қашларнинг 1115 нафар фарзандини соғломлаш-тиришга 9 миллион 636 минг сўм маблағ сарф этилди. Тармоқда меҳнат қилаётган фахрийлар, пенсиядаги қишлар ҳам эътибордан четда қолма-ётти. Утган йили уларга 2 миллион 902 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Темир ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири

ОРОМҒОҒГА АМАЛИЙ ЁРДАМ ЗАРУР

Мухбир нуқтаи назари

«Янгиобод» болалар оромгоҳи Каттақўрғон туманининг энг сўлим ҳудудларидан бирида жойлашган. Нега йилдири, бу ерда халқ таъ-лими тизими ходимларининг фар-зандлари хордик чиқариб, соғлиқ-ларини тиклашмоқда. Хусусан, ўтган йили ҳам 610 нафар бола соғлом-лаштирилиб, бу борадаги режа анча ошириб уйдланди.

Айни вақтда оромгоҳда мавсумга пухта таратдиб қўрилмоқда. Бино-лар тўлиқ таъмирланиб, тозаланди. Ҳудудда ободончилик ишлари амал-га оширилди. Ёрдамчи ҳўжаликда картошка ва сабзавотлар экилди. Мева ҳам сероб. Бу ишларнинг ҳам-маси Каттақўрғон туман таълим ва фан ходимлари касабакўшма қўми-таси сая-ҳаракати билан амалга оширилмоқда.

Ширкат ҳўжалиги бош-қаруви раиси Равшанбек Бобоҳўжаев фуқарола-рининг ижтимоий муҳофа-заси масаласида касабакўм раисини ҳеч қачон қайтар-маган. Шу боис уочовлон Зокиржон ака каби шир-катда меҳнати сингган но-гиронларнинг кўнглини овлаш ҳақида кенгаша бошладилар. Айниқса, ту-ман ҳокимлиги аралашгач,

«Янгиобод» болалар оромгоҳи Каттақўрғон туманининг энг сўлим ҳудудларидан бирида жойлашган. Нега йилдири, бу ерда халқ таълими тизими ходимларининг фарзандлари хордик чиқариб, соғлиқларини тиклашмоқда. Хусусан, ўтган йили ҳам 610 нафар бола соғломлаштирилиб, бу борадаги режа анча ошириб уйдланди.

тўхталмаслик мумкин эмас. Оромгоҳ-да бўлган қўнимиз ушбу маскан хо-димлари ўз кўчлари билан тайёргар-лик ишларини ниҳоясига етказма-ганини кўрдик. Бироқ ўтказилган те-кширувда бир қанча камчиликлар аниқланган. Буларнинг маълум қис-ми бартафат этилган. Бошқаларига ечим топиш имконияти изланмоқда. Бунда туман халқ таълими бўлими-нинг амалий ёрдами керак. Масала шундан иборатки, оромгоҳда кроват-ларнинг бир қисми таъмирга муҳтож. Тўшақлар ва кўрпа жилдлари эски-риб кетган. Идишлар етшимайди. Оромгоҳ табиий газ тармоғига улан-маган. Шу боис бир вақтлар бу ерга электр қуваати билан ишлайдиган печ, қозон келтирилган. Оромгоҳ та-шкил этилган вақтда ўрнатилган транс-форматорнинг қуваати қишлоқ ке-нгайиши, истеъмолчилар қўнайиши ту-файли эҳтиёжини қондиришга қолган.

Р. ҚўРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

Қўли гул уста

Самарқанд вилоятида ўзбек халқ амалий безак санъатини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиб кел-лаётган ёғоч ўймакорлик усталари кўп. Булар ора-сида Оқдарилик ёш, истеъдодли уста Жамол Эсо-новнинг муносиб ўрни бор.

Касбиям бўлган қизиқши болалигимдан бош-ланган, - деди Жамол Эсонов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Қизиқишим мени Тошкентдаги Бень-ков номидаги бадиий билим юртининг ёғоч ўйма-корлик бўлимига етаклади. Бу ерда мен машҳур ўймакор уста Ортик Файзуллаевдан ҳунар сирларини ўргандим. Ёғоч ўймакорлик санъатининг турли услублари мавжуд бўлиб, композиция жиҳатидан ўртача чуқурликда ўйиб ислимий, гулли гириҳ ва паргори нақшларда ўз ишларимда кўпроқ фойдала-наман. Уларни икки табақали эшик, кўп қиррали қурсичалар, ҳар хил қутчалар, қаламдон ва бошқа буюмларга тушираман. Ёғоч ўймакорлик касби ин-сондан сабр-қиддам ва меҳнат талаб этади. Мен буни доимо ўз шогирларимга ўқтираман.

Таъкидлаш жоизки, уста ўз асарлари билан Қозо-ғистон, Қирғизистон ва Германия, Франция, Япония каби мамлакатларда ўтказилган халқ усталари кўрғаз-маларида қатнашиб, юқори баҳога сазовор бўлди.

МАҲАЛЛИЙ ГИЁҲДАН - ДОРИ-ДАРМОН

«Ўқимефарм» очик акциядорлик жамиятига қарашли «Галеника» шўба корхонаси маҳаллий хомашёдан рақо-батдорш ва сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқариши йўлга қўймоқда.

Корхона ўндан зиёд турда дори тайёрлаш билан ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳозир эса табиий шифобахш ўт-ғиёҳлардан 30 хилдан зиёд дори-дармон ишлаб чиқари-лмоқда.

Мустақилликка эришганимизга ҳам ўн икки йил тўлапти. Агарда орта назар ташласан, турмуш тарзини, ҳаётини фаровонлигида жуда кўп ўзгаришлар бўлганлигини сезамиз. Ана шу йиллар-да меҳнатқашлар моддий манфаатдорлигини таъ-минлаш, ишлаб чиқаришни жаҳон талаблари дара-жасига мослаштириш борасида қўллаб ишлар амалга оширилди. Бошқача айтганда, келажак пой-деворини мустахкамлаш йўлидаги интилишлар бар-ча соҳаларда ўз самарасини бера бошлади.

«Охангароншифер» ҳис-садорлик жамияти жамоа-си ҳам республикада ўзи-га хос ўрин тўтиб келаят-ган корхоналар сирасига қиради. Очигини айтиш керак, дастлабки даврда бу ерда раҳбарлар қўнимсиз-лиги ва маҳсулот ишлаб чиқаришда янги техноло-гияларнинг жорий этилма-гани натижасида анча-мун-ча муаммолар юзага келиб қолганди. Шу боис муҳим соҳага эътибор қўнайити-либ, корхона тадбиркор ва малакали мутахассислар билан таъминланди. Энди-ликда бу ерда ишлаб чи-қарилаётган маҳсулот сиф-атлиги ва бежиримли-ги билан жаҳон талаб-ларига тўла жавоб бераётти.

Утган йили корхона 1,5 миллиард сўм соф фойда билан якунлади. Шунга кўра, яқинда ҳиссадорлар дивиденд тақсимотини кўриб чиқиди. Оқибатда ишчилар меҳнатга қўшим-ча мўмайгина ҳақ олиб,

қўли пул кўргандай бўли-ди. Масалан, машинист Ул-қунбой Марасулов 2 мил-лион 170 минг сўм, машинист-йўриқчи Владимир Громов эса 1 миллион 225 минг сўм дивиденд олди.

Қувонч ва хурсандчилик қўшақ бўлади, дейишди. Айни шу кунларда жамият бошқаруви раиси халқроқ ишлаб чиқариш ассоциация-сининг Париж шаҳрида ўтган йил якуни йиғилишида иш-тирок этиб, ҳиссадорлик жа-миятининг сифатли маҳсуло-ти ва молиявий кўрсаткич-лари энг юқори даражалиги билан меҳнат қилишга қўшма қўлимизга қўшди. Шунинг билан қўшимча қўлимизга қўшди. Шунинг билан қўшимча қўлимизга қўшди. Шунинг билан қўшимча қўлимизга қўшди.

батни шакллантирди, ишчи-ларни ишлаб чиқаришни жа-даллаштиришга ундади. Бундан икки йил аввал ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 40 минг, оғқат пули 10 минг сўмданга ўтди кел-ганди. Утган йилда ойлик маош 76 минг сўмни ташкил этди. Тушлик пули эса 21 минг сўмга етди. Ишчининг манфаатдорлиги ошгач, би-ринчи галда корхонада маҳ-сулот сифати яхшиланди.

нинг 87 нафари 100 минг сўм ва ундан ортиқ миқдорда мукофот пулларини олишди. Бозор муносабатлари иш-лаб чиқариш сифатини яхши-лаб, истеъмолчи талабини қондиришни бош мақсад қилиш қаторида, мутахассис-ларни доимий изланиб, давр талаби билан ёнма-ён бо-ришни ҳам хушлайдди. Ҳис-садорлик жамияти ана шу масалаларга диққат-эътиборни қўчайтирган. Хусусан, ҳар

технология институтини ўтган йили битирган Баҳодир Йўлдошев жамоасининг бош мудириликка, ана бир со-биқ талаба бош директор ўринбосари лавозимларига таъин этилдилар. Умуман ишлаб чиқаришдан ажралма-ган ҳолда турли олий ўқув юртиларда таҳсил олаётган 30 нафардан ортиқ талаба келажакини шу корхона тақ-дири билан бошлаган.

Ишчи вақтини тежаш, ун-

ҲАМКОРЛИҚДА

«Охангароншифер» ҳиссадорлик жамияти

Сарф-харажатлар камайиб, таннаҳ аввалгиларга қара-ганда икки фоизга пасайди. Иқтисодиётнинг бақувват-лашувида фақат маошини оши-ришни ўзи кифоя қилмай-ди. Шу боис мутахассислар ва касабакўшма фаоллари даромад ҳисобидан илғор-ларни рағбатлантириб бориш масаласини ҳиссадорларнинг кенгашида қўйиб, жамоа шартномасида алоҳида банд билан қиратишга эришишди. Натижада ўтган йили айнан шу мақсад учун корхона фой-дасидан 35 миллион сўм маблағ ажратилди. Махсус комиссия ҳулосасига кўра апр-ел ойида илғор ишчилар-

бир ишчи-ҳодим қайта атте-стациядан ўтди. Бундан таш-қари ёш мутахассисларни тайёрлаш ва уларни ўқитиш, иш билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Утган ўқув мавсуми учун жамоа шартномаси бўйича респу-бликамиздаги олий ўқув юр-тиларда таҳсил олаётган та-лабалар таъминотини у мил-лион сўм ажратилганди. Би-роқ имконият ва шароитлар ўрганилиб, бу қўрсаткич беш бараварга — яъни ўн беш миллион сўмга қўлайди.

Корхона ҳисобидан ўқити-либ, сарфланаётган маблағ-лар самараси зое кетмаёт-ти. Масалан, Тошкент химия-дан унумли фойдаланиш бо-расида ҳам бир талай тад-бирлар ишлаб чиқилди. Энди-ликда улар кундалик рўзгор маҳсулотларини сотиб олиш учун узоққа бориб юришмай

Меҳр қолур, мурувват қолур

Бу олий ҳиммат инсонларни Тошкент шаҳрида учратдим. Улар армия сафиди йиғитлик бурчини ўтаётган фарзандлар ҳолидан хабар олиш, яқин-айри саломини етказиш учун Қашқадарьдан атайлаб келганликларини айтишди.

Жамоат ташкилотлари ва ота-оналардан иборат вакиллар шу куни республикамиз пойтахтидаги харбий бўлинмада ҳам учрашув ўтказиб, аскарларнинг яшаш шароитлари билан танишдилар, юрт ўғлонларига воҳадаги ўзгаришлар, янгиликлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида сўзлаб беришди, совға-саломлар топширишди. Шаҳар маданият бўлими «Тарона» дастаси санъаткорларининг чиқишлари зобит ва аскарларда катта таассурот қолдирди.

Тушлиқда Қашқадарьдан келтирилган масалликлардан тайёрланган палов тановул килдинди. Харбий бўлинма сардорининг биринчи ўринбосари И. Мура-

мизнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Марғилон, Хонобод, Кўкон, Тошкент шаҳарлари ва вилоятлари, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанддаги харбий қисмлардаги учрашувларда кўллаб ота-оналар, қариялар, жамоат ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

— Ташкилотимиз халқ қалбига яқин, унинг одат ва удумлирига муштарак бўлганини учун ҳам фуқаролар эътиборини қозонди, — дейди жамгарма раиси ўринбосари Рўзи Нурматов. — Утган йиллар мобайнида ҳомий ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалар, ёлғиз қария-

лар, ноғиронлар, «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлар, шифохоналарда даволанаётган беморлар ва бошқа ёрдамга муҳтож учмиш нафарга яқин кишига 12 миллион сумлик хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

Ёлғизлиқнинг тарбиялашга қолган бундай саовбли ишлар аскарлар маънавиятини кўтариш, харбий тайёрликни, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Учрашув таассуротлари марказий, маҳаллий, матбуотда телевидение ва радиога кенг ёритилапти. Айна кунларда жамгарманинг саов ишлари давом этмоқда.

Ёлғиз

Дўст ачитиб гапиради

Зарбдорлик хоккейчи қизлар довруғи бир пайтлар бутун мамлакатга таралган эди. Афсуски, бора-бора бу шухрат сўнди. Мусобакаларда улар номи кам тилга олинмаган бўлиб қолди. Хайрият, илгари шу жамоада ўйинчи бўлган Раҳима Абдурамановани туман болалар спортини ривожлантириш жамғармасига етакчи мутахассис бўлиб ишга келиши мазкур спорт турининг жонлишига олиб келди. Айтишларича, зарбдорлик хоккейчи қизлар яқинда Бекободда ўтказилган мусобакада совринли ўринни қўлга киритишди.

малар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг, қолаверса, касабга уюшмаларининг ташаббускорлиги, ҳомийлик роли қаерда қолди? Тўғри, туманда замонавий спорт мажмуи барпо этиш режалаштирилмоқда. Лекин, бу давлат дастуридаги иш. Тумандагилар қўл қовштириб ўтирсин, дегани эмас. Ахир, ёшларни соғлом, баркамол кишилар қилиб тарбиялаш

ЗАРБДОРДАГИ СПОРТ МАЙДОНЛАРИ

уларнинг бугунги аҳволи қандай?

Бу, албатта мақташга арзиғулик, қувонарли ҳол. Бирок, спортнинг бошқа турлари ҳам шундай ривожланишга қарамай, мавжуд спорт майдонларининг бугунги аҳволи қандай, айнақисса, чекка қишлоқларда яшаётган ёшлар бўш вақтларини кўнглили ўткази олаётганми? Келинг, яхши, бу саволларга жавобни туман хоккининг 2001 йил 24 февралдаги «Тумандаги маҳалла ва қишлоқларда «хар бир маҳаллага бир спорт мажмуи» ҳаракатини ташкил этиш ҳақида»ги қароридан излай қолайлик. Қарорда ҳужалик раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари, спорт кўмитаси, «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармалари, ташкилотлар ҳомийлигида хар бир қишлоқ ва маҳаллада спортнинг энг оммавий турларини ўз ичига олган янги спорт мажмуаларини барпо этиш, уларнинг атрофини ободлаштириш, мавжудларини қайта тазмирлаш, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, стол теннис, шохмат-шашка бўйича мусобакалар ташкил этиш кабилар кўзда тутилган. Таассуфлар бўлсинки, орадан шунча вақт ўтганига қарамай, унинг ижроси билан ҳеч ким қизиқмади, қарор қозғода қолиб кетаверди.

Туманда бор-йўғи иккита — Зарбдор ва Бўстон қўрғонларида қачонлардир барпо этилган стадионлар бор, холос. Улар ҳам аллақачон пугурдан кетган, таъмирга муҳтож. Маълумотлар ўтказиш учун спорт жихозлари етишмайди. 55 мингга яқин аҳоли истикомат қилаётган туманининг бирон бир фуқаролар йиғини ҳудудда стадион йўқ. Бунга яшовчилар сони 18 миң кишини ташкил этган Лалмикор, «Шарқ юлдузи» қишлоқ фуқаролар йиғинларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳўш, бу ҳудудлардаги спортсевар ёшлар қаерга бориш? Энг ачинарлиси, жойлардаги раҳбар ва мутасаддиларнинг айби билан мураббийларни ишга жалб этишга суҳташлик билан қаралмоқда. Туманининг «Зарбдор» фуқаролар йиғинидан ташқари бошқа бирон-та маҳалла ёки агрохизмат марказида ёки йўриқисси иш ўрни йўқ. Расмиятчилик шу даражага бориб етганки, хар бир қишлоқларда анги спорт мажмуаларини барпо этиш у ёқда турсин, ҳатто ер майдонлари ажратишга ҳам киришилмаган. Туман хоккининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Низомиддин Усмоновнинг айтишича, «бунга маълум йўқ» эмиш. Ие, у ҳолда қарор нимага қабул қилинди, ҳўжақўрсингани? Ҳўжаликлар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, жамгар-

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири

ГОЛИБЛАР — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА

Наманган шаҳрида Узбекистон Автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги хўдимлари касабга уюшма Марказий кўмитасининг аънавий «Саломатлик» спартакиадаси минтақавий беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобакада иштирок этган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари тармоқ жамоалари спартакиада дастуридан ўрин олган енгил атлетика, волейбол, стритбол, стол тенниси, тош кўтариш ҳамда оилавий беллашувлар бўйича баҳс олиб боришди.

Меъзон жамоа вакиллари мусобакага яхши тайёрликни кўрсатди. Наманган вилоятлари тармоқ жамоалари иштирокчилари иккинчи Андижон вилояти спортчилари учинчи ўринни эгаллашди. Жамоавий ўйинлар ва шахсий биринчиликлар бўйича совринли ўринларни эгаллаган спортчиларга тармоқ хўдимлари касабга уюшма Марказий кўмитасининг фахрий ёрлик ҳамда кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Р.АРСЛОНОВ, Наманган вилояти Автомобил транспорти ва йўл ҳўжалиги хўдимлари касабга уюшма кўмитаси раиси



Фарғона вилоятида ёғи соғломлаштириш мавсумида болалар дам олишини ташкил этиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МАСЪУЛЛИК

Ёз мавсуми давомида 21 миң 60 нафар ўқувчи хордик чиқаради, — дейди вилоят касабга уюшмалари кенгаши маданият-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи В.Азизов. Айни кунда 25 та стационар, битта санаторий туридаги ва битта санаторий-соғломлаштириш оромгоҳида ёғи мавсумини хар йилдаги қараганда муваффақиятли ўтказиш чоралари кўриб кўйилди.

Лекин айрим туманларда болаларнинг ёғи дам олишини ташкил этиш, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш борасидаги ишлар ханузгача охирига етказилмаган. Бу Езёвон туманидаги «Гулшан», Олтиариқ туманидаги «Юлдуз», Бувайда туманидаги «Лочин» оромгоҳларига тааллуқлидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жойларда болалар ёғи дам олишларини ташкил қилиш фақат касабга уюшмаларининг иши, дея бирёқлама қараш ҳам йўқ эмас. Хўлбуки, касабга уюшмалари фақат ижтимоий сўгурта маблағларини тўлайди. Қолган барча масъулият, ташаббус қорхона ва ташкилотлар, ҳўжаликлар зиммасида. Афсуски, жойларда оромгоҳларни етарли маблағ билан ўз вақтида таъминлаш ишлари пайсалга солинмоқда. Натихада оромгоҳларни жиҳозлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муаммолар юзага келмоқда.

(У.А.)

ЎГИТЛАР — ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Муъин Жувайнийнинг «Нигористон» асарини ахлоқий ҳикматларни ўз ичига олади. Куйидаги ҳикматлар гоята ибратомўзидир.

Оқилнинг кўрс одам билан суҳбатда бўлиши жоҳилнинг айшу ишратга муккасидан кетишига ўхшайди.

Ахлоқ ва одобда яхши дўстларингдан андоза ол.

Уч ҳунар бошқа уч нарса билан кўшилмайди: ҳақиқат — сўз билан; шафқат — газаб билан; ширин таом — хирс билан.

Жаҳонда бор нарса — ақлга, ақл эса таърибга муҳтождир.

Мана бу доно сўзлар эса давр тақозоси билан юзага келган.

Хўш феъл бўлиш яхши одат. Кишининг феъл-атвори узини бегона қилади, ўзгани хеш. У хатто отани боладан жудо қилади.

Кўп ширин ҳам, ачиқ ҳам бўлиб кетма. Чўнки, таъми озингдан билиниб қолади.

Кимки ақл-идроқдан баҳраманд бўлса, зўлимларнинг юзини оқ булут билан тўсиб, авомга меҳр-муҳаббат кўзи билан қарайди. А.АЛИЕВ тайёрлади

Тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг 1995 йили чоп этилган «Амир Темур» номли тарихий романида Соли Сарой билан боғлиқ воқеалар тилга олинди. Асар охиридаги изоҳда: «Амурдорнинг ўнг қирғоғидаги шаҳарча. Хозирги Сурхондарё вилоятининг Сарой қишлоғи. Сўнги чигатой ҳукмдорларидан амир ул-умаро Қозоннинг асосий қароргоҳи» дея Соли Саройга таъриф берилган. «Ўзбекистон ФА тарих институти нашр этган «Темур ва Улуғбек даври тарихи» китобининг 71-санафасида эса Соли Саройни «Амурдорнинг шимолий соҳилидаги жой. Хозирги Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Сарой қишлоғи», дея қайд этилган.

Соли Сарой воқеалари нималардан иборат? Таниқли олим Бобожон Фафуровнинг таъкидлашича, XIV асрнинг биринчи ярмида сиёсий курашларнинг асосий мазмунини ўтрок турмуш тарзини ўзига афзал билган феодаллар ўртасидаги қарама-қаршилик ташкил этади. «Троқлар» бошида Қозонхон, кўчманчилар тепасида Қозонхон турари.

Қозонхон Қарши шаҳрига яқин жойда кўчманчиларга қарши курашда ўзига таянч ҳисобланадиган Занжирсарой қалъа-шаҳарчасини барпо этади. Амир Қозонхон эса Соли Саройни асосий қароргоҳи сифатида танлайди. Қозонхон Занжирсаройда мўкин турари. Қозонхон эса қишини Соли Саройда, ёзни Қоранурда, кузни Мунк (Балжувон)да ўтказайди. Икки ҳукмдор ўртасидаги зиддият бора-бора урушга айланади. 1339 йили Бойсуннинг Дарай Занг мавзесида қаттиқ жанг бўлиб, амир Қозонхон лашкари енгилди. Соли Саройга чекинади. Бир неча йил кўч тўплайди. Яна савашга отланади, 1346 йили Қозонхон қишинини мағлубиятга учратади, хонининг ўзи шу жангда ўлдирлади.

Орадан ўн йил ўтганда. Соли Сарой яқинидаги Амурдорё тўқайзорларидан бири-

юзида ихтилоф чиқиб, мўғул қишини қайтиб кетади. Яна ўзлари қолган Мовароуннаҳр беклари ҳокимият учун курашни қайтадан бошлайдилар. Мухорабаларга Амир Темур ҳам илоҳисиз тортилади. Иттифоқдosh дўстлари хиёнат қилганига қириб жонига қасд қилганларида яна Термиз, Соли Сарой тарафларга кетади. Низомиддин Шомийнинг 1998 йили ўзбек тилида чоп этил-

СОЛИ САРОЙ ҚАЕРДА?

да ов пайти пистирмадан отилган қамон ўқи амир Қозонхоннинг ҳайтига нукта қўяди. Жасадни Соли Саройга дафн этадилар.

Шу воқеадан кейин тўрт йил ўтган 24 ёшли Темурбек Соли Саройга келади. У Мовароуннаҳр сиёсий майдонига эндигина қадам қўйганди. Майда-майда бекликларга бўлиниб, ўзаро низолар исканжасида қолган юрт мўғуллар қўлида бўлиб, Темурбек босқинчиларга қарши кураш йўлини уларнинг зиммасига кириш орқали танлайди. Бу тарафларда мўғул ҳукмдорининг топшириғи билан келади. Чўнки мўғуллар Жайхўнининг юкори оқимидаги мулклар ва Хўрсонини ҳам қўлга киритмоқчи эдилар. Темурбек босқинчиларга қарши бирлашишга чорлаб Хўсор, Хўтталон ва Бадахшон бекларига номлар юборади. Аммо ҳеч ким Темур кутган жойга келмайди. Қозонхоннинг невараси амир Хўсайн Соли Саройдан чикмайди. Хўзар Яосеуврий Темур хўзуридан ўз одамлари билан қочиб қолади. Бозизид Жалойир ва Хўжи Барлос ҳам иттифоқда келишолмайди.

Шу орада Мўғулстоннинг ган «Зафарнома» асарида бу ҳақда шундай дейилади: Суяқасд воқеасидан хабар топган Хўжи Барлос унга «чопар орқали» «Зинҳор Аму сувидан нари ўтма. Менинг сўзимга қулқол сол. Амир Чўгонни ниҳоятда кўп аскар билан кетингдан сенга мадад учун юбораман» дея маълум қилади. Темурбек ва гапдан шод бўлиб, айтилганда, иш тутайди. Термизга етганда унга қарши чиққан Шайх Али Журжийорини эски Термизга қувий боради ва лашкарини тарқатиб юборади. Ана шу тарихий воқеа Бўрибой Аҳмедовнинг романида юкорида келтирилганидан бошқача талқин этилганини кўраемиз. Яъни Хўжи Барлос жияни Темурбекка душманни даф этишда ёрдам бериш учун эмас, балки унинг ўзини маҳд этиш учун изидан қишин юборгани баён этилган. Шу нуктаи назардан пистирмага қўйилган Темурбек одамлари Чўгон аскарларини Соли Сарой атрофида чор-атрофдан ўққа тўтиб йўқ қилганликлари романида тасвирланади (50-санафид). 1360 йилнинг қолган қисмини Темурбек Соли Сарой ва Термизда ўтказайди. 1363 йил баҳорида Темур-

бек ва Амир Хўсайн биргаликда Бадахшон ҳамда Тохаристонни ўзларига тобе қилиб Соли Саройга қайтиб келишди. Бир ҳафтадан бошлашган, Хўтталонга қараб юришди. Темурбек Пули Сангин деган жойда сун жиҳатидан бир неча баравар кўп бўлган мўғул қишинини енгади ва уларни қувий шу кетишда Кеш шаҳрига боради. Низомиддин Шомий Соли

Соли Саройда бўлиб ўтган бу воқеа Муъиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ул-таворих» асарида сал бошқача, аммо батафсил ёритилган. Бу китобда Хўсайннинг Темурбекдан гумондор бўлишига тааллуқли яна муҳим маълумот келтирилган. Бу ҳам шунки, Шайх Муҳаммад ўз хотирига Хўсайнни қарши исён фикри уйғонганида Темурбекни ҳам исёнга даъват этиб мактуб ёзганлиги

ниш олиб боришга тўғри келди. Натихада Сурхондарё ҳудудига Темур ва теурийлар даврига оид маданият қатламлар, қўрғон ва қалъалар анчагина эканлиги аниқ бўлди. Кейинги изланишлар эски Термиз ҳам ана шулар сирасига киришини кўрсатди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятнинг Амурдорё қирғоғидаги худудларидея «Матлаи саъдийани» ва бошқа ўша давр муаллифларининг китобларида ҳам Соли Сарой воқеалари тилга олиб ўтилади.

Хўллас, юкоридагилардан кўриниб турибдики, Соли Сарой Сохибқирон замонида ҳамда теурий даврида, шунинг-ҳамда, теурий авлодлари яшаган давр сиёсий ҳаётида ҳам шубҳасиз ўзига хос ўрин тутган.

Назаримизда, бу теурий-шумолият ва илмий-ижодий жамоатчилик ўрганиши лозим бўлган ёркин мавзуларидан биридир.

Хўш, Соли Саройнинг хозирги аниқ ўрни қаерда? Ушбу саволни беришимизга сабаб шундаки, ҳурматли

Бу сирли олам

олимларимиз Сурхондарё ҳудудига деб тилга олган Сарой қишлоғини деб вилоятдан топа олмадик. Нимага асосланган улар шундай фикр юртганликларни бизга қорунг. Шундай экан, Соли Саройни қаердан излаш керак, бу жой ўрни хозирда нима деб аталади? Бу борада анча изла-

урагдди. Бу император рус географик жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д.И.Логофетнинг 1911 йили Санкт-Петербургда чиққан «Бухор хонлиги» китоби эди.

Ушбу китобда Бўхоро-Термиз темир йўлини тезроқ қуриб тугаллаш ва кейин уни ўй йўналишида қуриб давлат эттириш гоёси илгари сурилган экан. Шу йўналишлардан бирида пўлат исни Сарой деган мавзегача олиб бориш мумкинлиги кўсатилади. Муаллиф ҳатто Термиздан Саройгача бўлган масофани ҳам 214 верст (215 километр) дея аниқ белгилган. Яна энг муҳими шундаки, Сарой кечуви ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилади. Яъни: «Сарой кечуви Сарой қишлоғидан бир ярим верст юкорида жойлашган. Кечува Бўхоро қайғи зимат қилади. Афғонистоннинг Хонобод, Толикон, Хўжа Имом Сохиб каби шаҳарлари билан Бўхорнинг Хўсор, Қўрғонтепа шаҳарлари орасидаги йўл устида жойлашгани боис Сарой кечувининг мол айирбошлашдаги аҳамияти катта. Саройда рус божхонаси ва чегара бригада қисми бор» (102-бет) дейилган.

Эҳтимол, Соли Сарой ўрни Сурхондарёга туташ Панж тумани ҳудудига жойлашгандир. Аниқлашимизча, дарё бўйидаги қишлоқ хозир ҳам Сарой деб аталар экан.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими раисининг муовини

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котиббат 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқка бошлаган

Маншамиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзилли: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.